



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (0-366) 629-15-10, faks (0-366) 629-11-54

140704, г. Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

2018 у.г «4» апрел

№ 955/к

Ishtixon sh.-г. Иштыхан

Тумандаги “Кўтарма” МФЙ худудидан “ISHTIXON CHINNI BUYUMLARI” МЧЖга “Чинни буюмлари ишлаб чиқариш цехи” бинолари қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Иштыхан туманида фаолият олиб бораётган “ISHTIXON CHINNI BUYUMLARI” МЧЖ раҳбари Қ.Махмудовнинг “Кўтарма” МФЙ худудида жойлашган 433-рақамли контурдаги, мелиоратив ҳолатда бўлган ер майдонидан “Чинни буюмлари ишлаб чиқариш цехи” қуриш учун 0.50 гектар ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2018 йил 30 мартдаги 494-сонли хулосасини “Давархитектқурилиш” кўмитасининг Регламентига асосан Қишлоққурилишлойиха МЧЖдан олинган 2017 йил 29 сентябрдаги 09-17/14-441-сонли ижобий хулосани ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг 2018 йил 24 мартдаги 19-сонли ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Давархитектқурилиш” кўмитасининг Регламентига асосан Қишлоққурилишлойиха МЧЖдан олинган 2017 йил 29 сентябрдаги 09-17/14-441-сонли ижобий хулосасини, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2018 йил 30 мартдаги 494-сонли хулосаси маълумот учун қабул қилинсин, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг 2018 йил 24 мартдаги 19-сонли ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. “ISHTIXON CHINNI BUYUMLARI” МЧЖга “Кўтарма” МФЙ худудида жойлашган аҳоли пунктдан ташқаридаги мелиоратив ҳолатдаги, кичик саноат зонаси, ердан фойдаланиш картасининг 433-рақамли контурдаги ер майдонида “Чинни буюмлари ишлаб чиқариш цехи” бинолари қуриш учун 0.50 гектар доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ISHTIXON CHINNI BUYUMLARI” МЧЖ раҳбари Қ.Махмудовга рухсат этилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиха олди ва лойиха ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер майдонида “Чинни буюмлари ишлаб чиқариш цехи” бино иншоотларини қурилишини лойиха асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат қорхонаси Иштыхан тумани филиали бошлиғи (Х.Астонов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов